Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
Бухоро мухандислик-технология институти

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси

60
С 69



# СОЦИОЛОГИЯ (ЧИЗМА ВА ЖАДВАЛЛАРДА)

БУХОРО 2017

**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**
**Бухоро мухандислик-технология институти**

“Ўзбекистон тарихи” кафедраси



BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI
ARM
REESTR №
201__ y

# СОЦИОЛОГИЯ (ЧИЗМА ВА ЖАДВАЛЛАРДА)

**БУХОРО 2017**

Ушбу Социология (чизма ва жадвалларда) номли ўқув услубий қўлланма намунавий дастурда берилган мавзулар асосида тайёрланди. Унда социологияга оид слайдлар, чизмалар, жадваллар, глоссарий ўрин олган.


| | |
|---|---|
| **Тузувчилар:** | **“Ўзбекистон тарихи” кафедраси доценти Бафоев Ф.М.**<br>**“Ўзбекистон тарихи” кафедраси катта ўқитувчиси Муродов С.А.** |
| **Тақризчилар:** | **БухДУ катта ўқитувчиси Джанобилова М.К.**<br>**“Ўзбекистон тарихи” кафедраси ассистенти Акрамова О.Н.** |
| **Маъсул муҳаррир:** | **“Ўзбекистон тарихи” кафедра мудири Юнусова Г.С.** |



Ушбу ўқув тақдимот материаллари институт ўқув-услубий кенгаши томонидан тасдиқланган ва нашр қилиш учун тавсия қилинган (15 май 2017 йил , Баённома №7).




# КИРИШ

Социология - бу алоҳида шахсдан ва кичик - кичик гуруҳлардан тортиб, то жамиятнинг тараққий этиш ва ривожланиш қонуниятларини нафақат назарий жиҳатдан шу билан бирга конкрет тадқиқотлар орқали ўрганадиган фандир.

Бунинг боиси ҳозирги замон кишиси ўзи яшаётган маконнинг ижтимоий шароитини, жамият аьзоларида яшириниб ётган «сир»ларни, ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларини билмасдан туриб ҳаётдан ўз ўрнини топа олмайди. Социология - бу жамиятнинг барча қирраларида ўзига хос анатомия ва физиологиясидиркм, улар инсон ҳаётидаги меьёрий ва паталогик ҳолатни аниқлашга ва охир оқибатда инсониятни нохуш ҳолатлардан, қийинчиликлардан қутулиш йўлини кўрсатади. Айниқса, бу бугунги кунда республикамизнинг бозор иқтисодиёти шароити билан боғлиқ бўлган қийинчилик ва муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиши учун муҳимдир.

Социология фани жамиятда рўй бераётган йирик ижтимоий-сиёсий воқеаларни шунчаки қайд этиш билангина чекланмайди, балки унинг асл моҳияти ва мазмунини атрофлича очиб беради. Социология фани ўзининг аниқ ва конкретлиги, зиммасидаги масалаларга берадиган илмий жавоблари атрофлича асосланган, қайта-қайта текширилганлиги билан ҳам қимматлидир. Бу фан фақат ҳозирги ижтимоий ҳолатлар аҳволига тўлақонли жавоб бериш билангина чекланмасдан, ижтимоий ҳолатларнинг истиқболий ўзгариши даражаси ҳусусида башорат қилади. Ана шу жиҳатдан социология фани назарияси, амалиёти ва тадқиқот усулларини атрофлича ўрганиб чиқиш зарурати туғилади.

# Социология жамият ҳақидаги фан

**Объекти** → Шахслардан иборат жамият ёки ижтимоий воқелик

**Предмети** → Ижтимоий тизимлар шаклланиши, фаолият олиб бориши, ривожланишини ўрганиш ҳисобланади.

**Вазифалари**
- Назарий
- Тавсифлаш
- Ахборот бериш
- Олдиндан айтиб бериш
- Ғоявий



# Социология фани асосчиси

## Огюст КОНТ 1798-1857

**Позитив фалсафа курси** ← **Асари муаллифи**

О.Конт социологияни 2 қисмга бўлган
- Ижтимоий статика
- Ижтимоий динамика



# Социология нимани ўрганади?

МАКС ВЕБЕР — Ижтимоий ҳаракатнинг моҳиятини ўрганувчи фан

Питирим Сорокин — Ўзига хос муҳитда яшовчи одамларнинг хулқини ўрганувчи фан

Эмиль Дюркгейм — Ижтимоий далилларни ўрганувчи фан

Толкотт Парсонс — Ижтимоий тизимлар ҳақидаги фан

**МУАЛЛИФДАН**

- Жамият тузилиши ва таркиби
- Жамиятда яшаётган кишиларнинг ҳатти-ҳаракатлари
- Жамият тараққиёти унинг ривожланиши нуқтаи назаридан ўрганилади



# Социологиянинг фан сифатида ривожланиши

Жамият ҳақидаги илк тассаввурлар → **Фалсафий мушоҳадалар**

Жамият борлиқнинг бир қисми сифатида → **Фалсафа**

**Ижтимоий физика**





## Социология тузилиши




Социологиянинг таркибий тузилиши




Социологиянинг ижтимоий фанлар тизимидаги ўрни юқори






## Социология йўналишлари








BUXORO MUHANDISLIK TEXNOLOGIYA INSTITUTI
REESTR № 155
201__ y





# Жамият

ТАЪРИФИ → ИЖТИМОИЙ МУНОСАБАТЛАР МАЖМУМИ

ЭЛЕМЕНТЛАРИ
- Атроф мухит
- Инсонлар
- Маданият

## БЕЛГИЛАРИ

*1) мустақил бўлиши;*
*2) никоҳ тузилиши;*
*3) болалар туғилиши;*
*4) ҳудудга эгалиги;*
*5) номи ва тарихига эга бўлиши;*
*6) бошқарув тизимига эга бўлиши;*
*7) қадриятлар тизимига эгалиги.*

"Тирик биологик организм"



Г.СПЕНСЕР

## ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ

Ижтимоий | Миллий
Тармоқлар | Худудий



# ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҒОЯЛАРИ



Эзгулик жамият равнақи → Мехнат улуғланади | Табиат в ажамиятнинг ўзаро ҳамоҳанглиги



Жамият бу оиладир →
- 5 хил муносабат
- "Сяо"- "ҳурмат қилиш"
- "Ли"-"тартиб"



Инсоннинг шахсий камолоти ва эзгу турмуш тарзи.

4 ҳақиқат (Тришна қоидалари )

Нарсалар табиатини тўғри тушуниш

Панча Шила Ахлоқ қоидалари

| Абу Наср Форобий  | Абу Райҳон Беруний  | Абу Али ибн Сино  |
|---|---|---|
| (873-950 йй.) | (973-1048 йй.) | (980-1037 йй.) |
| «Фозил одамлар шаҳри» | Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар | Донишнома |
| Адолат тузум | Ижтимоий табақалушув | Жамият синергетик хусусияти |
| Бошқарувчининг фазилатлари | Кузатиш ва тажриба | Табиатнинг синергетик хусусияти |
| Донишманд жамият бошқарувчиси | Географик жойлашуви | Ғайритабиий нарсалар йўқ |
| Жамиятни илм бошқаради | Эволюцион жараён | Пантеистик йўналиш |





## Форобийнинг фикрича қуйидаги 12 хислатга эга киши жамиятни бошқариши мумкин

- Биринчидан, бундай одамнинг барча органлари шу даражада тараққий этган бўлиши керакки, у бу органлари билан бажармоқчи бўлган ишларини осонлик билан бажарсин;
- Иккинчидан, барча масалани тезда англайдиган, сўзловчининг мақсади ва айтилган фикрининг чинлигини тезда пайқай оладиган бўлсин;
- Учинчидан, хотираси жуда бақувват бўлсин;
- Тўртинчидан, зехни ўткир бўлсин;
- Бешинчидан, сўзлари аниқ бўлсин, фикрини равон ва равшан баён эта олсин;
- Олтинчидан, билиш ва ўқишга мухаббати бўлсин;
- Еттинчидан, овқатланишида, ичимлик истеъмол қилишда очкўз бўлмасин, қимор қйинлари қйнашдан йироқ бўлсин;
- Саккизинчидан, ҳақиқатни ҳақиқат тарфдорларини севадиган бўлсин;
- Тўққизинчидан, руҳи ғурурли ва ўз виждонини қадрлайдиган бўлсин;
- Ўнинчидан, дирҳам динар ва шу каби турмуш билимларига жирканиш билан қарасин;
- Ўн биринчидан, ўз табиати билан адолатли ва адолат учун курашувчиларни севадиган, адолатсизлик ва жабр зулмга курашувчиларни севадиган бўлсин;
- Ўн иккинчидан, адолатли бўлсин, лекин қайсар бўлмасин, адолат олдида қайсарлик қилиб, ўзбилармонликка берилмасин.

## *Қадимги Юнонистонда жамият ҳақида фикр билдирган файласуфлар*

**Антик дунё социологияси**

| Энг қадимги юнон социология мактаби | Юнон демократия равнақи даври социологияси. | Антик дунё оламининг "Олтин даври" |
| --- | --- | --- |
| ФАЛЕС, АНАКСИМАНДР, АНАКСИМЕН КСЕНОФАН, ПИФАГОР | ГЕРАКЛИТ, ЗЕНОН, ЭМПЕДОКЛ, АНАКСАГОР, ПРОТАГОР, | СУҚРОТ, АФЛОТУН, АРУСТУ, ДЕМОКРИТ |





**Афлотун**

**Идеал давлат тузумининг фазилатлари**

- донишман длик
- жасорат
- меъёрни сақлаш
- адолат



**Арасту**

Арасту фикрлари

- Давлат бошқаруви усуллари
  - монархия
  - тарания
  - аристократия
  - олигархия
  - полития
  - демократия
- Комил инсон
  - Комил фуқаро
    - Адолатли давлат

**СОЦИОЛОГИЯНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА КАТТА ҲИССА ҚЎШГАНЛАР**



О.Конт (19.01.1798, Монпелье-05.09.1857, Париж) француз файласуфи.



Г. Спенсер (27.04.1820, Дерби -8.12.1903, Брайтон) инглиз файласуфи ва социологи "Ижтимоий дарвинизм" таълимоти асосчиси.



Георг Зиммель (01.03. 1858, Берлин-26.09.1918, Страсбург) немис социологи. "Формал социология" асосчиларидан бири



Эмиль Дюркгейм (15. 04.1858, Эпиналь-15.11.1917, Париж) француз социологи

Макс Вебер (21.04.1864, Эрфурт - 14.06.1920, Мюнхен) немис социологи. "Тушунувчан социология" асосчиси.





П. Сорокин Ижтимоий мобиллик тушунчасини фанга киритган социолог.



# ХХ аср АҚШ социология

1892-йилда жаҳонда биринчи марта Чикаго университетида социология кафедраси ва факультети очилди.



# Жамият таснифи

Карл Поппер жамиятни 2 бўлади

- Очиқ жамият
- Ёпиқ жамият

Жамиятнинг тузилишига қараб турлари

- Тоталитар жамият
- Авторитар жамият
- Демократик жамият

Э. Тоффлер

**АГРАР ЁКИ АНЪАНАВИЙ ЖАМИЯТ**
иқтисодиёт қишлоқ хўжалигига асосланади,асосий социал институтлари армия ва черковлар



**ИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ**
иқтисодиёт саноат ва ишлаб чиқаришга асосланади,асосий



**ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ**
барча соҳаларда етакчи компьютер технологияларидан кенг кўламда фойдаланилади





# Жамиятга берилган таърифлар

- МАКС ВЕБЕР → бошқа инсонларга йўналтирилган ҳаракатлар маҳсули бўлган инсонлар муносабатидир
- Т.ПАРСОНС → жамият қадриятлар ва меъёрлар орқали тузиладиган муносабатлар тизими.
- Г.СПЕНСЕР → тирик биологик организм
- О.КОНТ → Табиий феномен




# Жамиятнинг белгилари

1) бирлашма катта бир тизим (жамият)нинг бир қисми бўлмаса;

2) никоҳ ушбу бирлашма намояндалари орасида тузилса;

3) бирлашма болалар туғилиши билан тўлдириб борилса;

4) шахсий ҳисобланган ҳудудга эгалик қилинганда;

5) ўз номи ва тарихига эга бўлиш;

6) ўз бошқарув тизимига эга бўлиш;

7) бирлашма қадриятларнинг умумий тизими (урф-одат, анъана меъёрлар, қонун-қоидалар) маданият асосида ташкил топади.

# Жамиятнинг таркибий тузилиши

**Ижтимоий**
оила,
шахс, ижтимоий гуруҳ

**Миллий**
миллат,
этник гурух,

**Тармоқлар**
иқтисод,
сиёсат,
маданият,

**Ҳудудий**
минтақа, мамлакат,
вилоят,



## Социология жамиятни социологик нуқтаи назардан қуйидагича ўрганади:

1. Жамият тузилиши ва таркиби ўрганилади (Жамият қандай кишилардан иборат, улар қанча ва қандай синф ёки табақаларга мансуб?).

2. Жамиятда яшаётган кишиларнинг хатти-ҳаракатлари нималардан иборат. (уларнинг ўзаро муносабатларидаги характерлари)?

3. Жамият тараққиёти унинг ривожланиши нуқтаи назаридан ўрганилади.





# Томас ГОББС (1588-1679)

“Фуқаролик жамияти” тушунчасини фанга киритган



Фуқаролик жамияти принциплари



- Инсон сифатида жамият аъзолари эркинлиги
- Фуқаро сифатида уларнинг тенглиги
- ФУКАРО СИФАТИДА ХАР БИР ЖАМИЯТ АЪЗОЛАРИ МУСТАКИЛЛИГИ





# Квазигуруҳлар

Мустаҳкам бўлмаган, норасмий, Бир томонлама муносабатли гуруҳларга айтилади ← ТАЪРИФИ

БЕЛГИЛАРИ

- Тасодифан шаклланган
- Мустаҳкам бўлмаган алоқалар
- Ўзаро муносабатларнинг қисқалига

Турлари:

- Ижтимоий давра
- Аудитория
- Оламон

# ИЖТИМОИЙ ГУРУҲ



***ТАЪРИФИ***

БИРГАЛАШИБ МУАЙЯН ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРАДИГАН ЁКИ ЎХШАШ ҲАЁТ ШАРОИТЛАРИДА КУН КЕЧИРАДИГАН КИШИЛАР МАЖМУИ.

## БЕЛГИЛАРИ

- Ички тузилма
- Ташкилланган
- Мустаҳкам









## КАТТА ИЖТИМОИЙ ГУРУҲ

| Таърифи | Хусусиятлари |
|---|---|
| Аъзолар сони кўп бўлган кишилар гуруҳларига айтилади | -аъзолар сонининг кўплиги;<br>-ягона ҳудуднинг мавжуд эмаслиги;<br>-аъзолар ўртасидаги алоқаларнинг оммавий эканлиги;<br>-ҳатти ҳаракатлар ҳуқуқлар, урф-одатлар ва анъаналар орқали бошқарилади |

## КИЧИК ИЖТИМОИЙ ГУРУҲ

| Таърифи | Хусусиялари |
| --- | --- |
| Аъзолари умумий ижтимоий фаолиятни амалга ошириш учун бирлашган, бир-бири билан бевосита мулоқотга киришадиган, сон жиҳатдан унча катта бўлмаган гуруҳ тушунилади. | -самимий дўстона муносабатлар;<br>-бевосита ўзаро алоқалар;<br>-норасмий институтлар ёрдамида тартибга солинади;<br>-махсус вазифаларни бажаришга мўлжаллаган |







Квазигуруҳлар

ИЖТИМОИЙ ГУРУҲ

Референт гуруҳ турлари

Реал

идеал

# Муҳандис

Муҳандислар гуруҳи

«Маънавий элита»





## *Ижтимоий институт турлари*

**Иқтисодий институтлар**

иқтисодий ҳаётни ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳалари билан бирлаштирган ҳолда ижтимоий бойликни ишлаб чиқарадиган институтулар.

**Сиёсий институтлар**

сиёсий мақсадларни кўзловчи институтлари .

***МАДАНИЙ ИНСТИТУТЛАР***

маданий ва ижтимоий қадриятларни ўзлаштирувчи институтлар

Ижтимоий институтлар

индивидларни ижтимоий-лаштиришни, муайян қадриятлар ва меъёрларни ҳимоя қилишни мақсад қилишадиган институтлар

**ОИЛА ВА НИКОҲ ИНСТИТУТЛАРИ**

Оилавий муносабатларни тартибга солувчи институтлар

# Ижтимоий гуруҳ турлари

Сонига қараб:
- Катта
- Кичик

Муносабатларнинг характерага қараб:
-Бирламчи
-Иккиламчи

Гуруҳга тегишлилигига қараб:
- Ингуруҳ
- Аутгуруҳ

Э. Мейо 2 бўлади:
- Расмий
- Норасмий

**Референт гуруҳ**

индивид онгли равишда кирадиган социал гуруҳларга (иқтисодий, сиёсий, маданий, касбий) нисбатан ишлатилади



# ИЖТИМОИЙ ИНСТИУТ

ТАЪРИФИ

Бу инсон фаолиятининг турли соҳаларини тартибга солувчи ва уларни роллар ва мавқелар тизимига киритувчи расмий ва норасмий қоидалар, меъёрлар тамойиллари, йўл-йўриқларнинг турғун мажмуидир.

## вазифалари

-ижтимоий талабни қондириш
-жамоатчилик муносабатларини ишлаб чиқариш
-регулятив
-интегратив
-ворисийлик
-коммуникатив
-репродуктив



## ХУСУСИЯТЛАРИ

*-аниқ шаклланган мақсадларга*
-санкциялар тизимига
-мавқе ва ролларнинг тўпламига
-аниқ вазифаларга эга



# Шахс

| ФАЛСАФА | ПСИХОЛОГИЯ | СОЦИОЛОГИЯ |
|---|---|---|
| интеллектуал, эмоционал ва иродавий сифатларига эга бўлган одам. | ўзига хос хусусиятларга эга айрим кишилар. | ижтимоий муносабатларнинг дастлабки ва бирламчи асоси |

Шахс социологияси ривожланишига ҳисса қўшганлар



Ч.Кули



Р.Дорендорф



Т.Парсонс



Ф.Знанецкий



Р.Мортон



## «Инсон», «индивид», «шахс» тушунчаларига таъриф

- **Инсон** тушунчаси, умумий, хамма учун хос булган сифат ва қобилиятини изоҳлаш учун қўлланилади.
- **Индивид** - бу инсоният зотининг якка вакили, инсониятнинг ҳамма социал ва руҳий жиҳатларини идрокий, иродаси, эҳтиёжлари, манфаатлари ва ҳоказоларнинг соҳиби ҳисобланади.
- **Шахс** бу инсоннинг жисмоний табиати эмас, балки унинг ижтимоий сифатидир.







## Шахс шаклланишига таъсир этувчи омиллар




Шахснинг ижтимоийлашуви жараёнини икки босқичга бўлинади

Социал адаптация | Социал интериоризация

## Ижтимоийлашув жараёнини агентларга

| Оила | Тенгдошлар | Мактаб | Оммавий Ахборот воситалар |
|---|---|---|---|
|  |  |  |  |

Индивиднинг шахсга айланиш жараёнига **ижтимоийлашув** деб айтилади

## Девиация (лот. deviato) хулқ-атвордан оғиш деган маънони билдиради.

**ДЕВИАЦИЯ ТУРЛАР**

| ИЖОБИЙ | САЛБИЙ |
|---|---|
|  **Вундеркинд** |  Жиноятчилик |
|  **Олим** |  Наркомания |
|  **Алтурист** |  Алкоголизм |

## Социология ижтимоийлашув жараёнини икки хил ёндашув асосида ифодалайди:

- **биринчидан, инсон томонидан яратилган маданиятни ўзлаштириш;**
- **иккинчидан, муайян ижтимоий муҳитда шахсий хусусиятларга эга бўлиш.**



# Ижтимоий меъёрлар

ТАЪРИФ → ижтимоий мақбул хулқ-атвор талаблари, шартлари, истаклари мажмуидир.

**МЕЪЁР ТУРЛАРИ**

- Ҳуқуқ
- Ахлоқ
- Урф-одатлар
- Диний меъёрлар



# ИЖТИМОИЙ САНКЦИЯ

ТАЪРИФ → Ижтимоий меъёрларни қўриқловчи асосий восита

## Турлари

- **Расмий ижобий санкция-** ҳукумат мукофотлари (орден, медал, фахрий унвонлар), давлат мукофотлари ва стипендиялар, илмий унвон ва даражалар;
- **Норасмий ижобий санкция** -дўстона мақтов, ширин сўз, қарсак;
- **Расмий салбий санкциялар -** фуқаролик ҳуқуқларидан махрум этиш, қамоқда сақлаш, ҳибсга олиш,ишдан бўшатиш, жарима;
- **Норасмий салбий санкциялар** -танбех, устидан кулиш,қалтис ҳазил,лақаб қўйиш, менсимаслик.

# ИЖТИМОИЙ СТРУКТУРА

ТАЪРИФ → ФУНКЦИОНАЛ ЖИҲАТДАН ЎЗАРО БОҒЛАНГАН ИЖТИМОИЙ МАҚОМЛАР ВА РОЛЛАР МАЖМУИ

**Ижтимоий мақом(статус)-инсоннинг жамиятдаги ўрнини белгилайдиган, ҳуқуқлар ва бурчларнинг мажмуи.**

**Ижтимоий рол-шахснинг ундан кутилган, унинг ижтимоий мақоми билан боғлиқ бўлган типик хулқ атвори.**

Ижтимоий мақом элементлари

- мақомга оид символлар
- мақомга оид идентификация
- мақомга оид бурчлар
- мақомга оид роллар
- мақом диапазони
- мақомга оид ҳуқуқлар

Ижтимоий мақом турлари

Белгиланган



Эришилган





# ИЖТИМОИЙ СТРАТИФИКАЦИЯ (ЛОТ. ҚАТЛАМ)

ТАЪРИФИ

Иерархиявий даражалаштирилган ижтимоий тенгсизлик, шунингдек, индивидлар ва гуруҳларни ижтимоий белгиларга кўра ўзаро тенг бўлмаган гуруҳларга ажратиш жараёни.

- Г. Спенсер — Меҳнат тақсимотини пайдо бўлиш жараёнини таснифлаш учун ушбу тушунчани киритган
- Э. Дюркгейм — Ахоли зичлигининнг ўсиши, шахслараро ва гуруҳлараро алоқаларнинг кучайиши билан боғлиқ
- Т.Парсонс — Ижтимоий тизим таркибий зиддиятининг асосий юзага келтирувчиси
- Р.Дарендорф — Жамиятни бошқарувчи ва бошқарилувчилар тоифаси

Бугунги кунга келиб эса уч турдаги қатламга бўлинган ҳолда жамият ривожланиб бормоқда.






## Замонавий жамиятларда табақалашув омиллари



ДАРОМАД

ХОКИМИЯТ





МАЪЛУМОТ ДАРАЖАСИ

КАСБ НУФУЗИ



Табақалашув тизим турлари

Қулдорлик - кишиларни қарам қилишнинг иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий шаклидир



Касталар – одам туғилганидан бошлаб аъзо бўлиб қоладиган ижтимоий гуруҳлардир

Табақалар – таомиллар наслдан-наслга ўтувчи ҳуқуқлар ва бурчларга эга бўлган гуруҳлар

Синфлар - пайдо бўлиши XVIII-XIX аср билан боғлиқ




# Индустриал жамият




# Постиндустриал жамият





Ижтимоий мобиллик тушунчасини фанга киритган социолог П.А. Сорокин ҳисобланади




*Индивид ёки социал гуруҳнинг социал кўчиш оқибатида 2 социал бирлик,2 маданият орасида бўлиш феномени*

Ижтимоий маргиналлик (четга чиқиб қолган)



# Ижтимоий ўзгариш турлари

- Репродуктив – ижтимоий жараёнларни турли хил услубда ўрганиш.
- Статусли – хизмат пиллапояларидан юксалиб бориш, турмуш ҳаёти жараёнларининг фаровонлашуви.
- Худудий – қишлоқдан шаҳарга, давлатдан давлатга кўчиш ҳолати.
- Маънавий қадриятлар, фикрлар, тушунчалар, ғоялар, ҳис-туйғуларнинг ўзгариши.
- Жамиятнинг сиёсий-ижтимоий идора этишлиги, бошқарилишига кўра ўзгаришлар.
- Илмий-техникавий ўзгаришлар, Устувор тараққиёт мезони сифатида юксак технологиялар информацион бошқарув соҳаларининг тобора мустаҳкамроқ ўрин эгаллай бошлаши.



# Ижтимоий ҳаракатлар



*Типлари*

| | |
|---|---|
| инқилобий ҳаракатлар | жамият ижтимоий структурасини қўққисдан, шитоб билан, куч ишлатиб ўзгартириш |
| ислоҳотчилик ҳаракатлари | ҳаётнинг айрим томонларини жамиятда туб ўзгариш ясамасдан ўзгартиришга ҳаракат қилиш |
| утопик ҳаракатлар | ўз давридан анча илдамлаб кетган янги ижтимоий тартиблар ўрнатиш йўлидаги ҳаракатлар |
| қаршилик ҳаракатлари | ҳам ижобий, ҳам салбий хусусиятга эга бўлган ўта инқилобий ўзгаришларга қаршилик кўрсатиш |
| экспрессив ҳаракатлар – | муҳитдаги хулқ-атворни муҳитнинг ўзида ўзгариш ясамасдан ўзгартиришга қаратилган ҳаракатлар |

Макс Вебер ижтимоий ҳаракатларнинг 4 хил турини таъкидлаган

МАҚСАДЛИ ОҚИЛОНА | АНЪАНАВИЙ | ҚАДРИЯТЛИ ОҚИЛОНА | АФФЕКТИВ

# Бегоналашув

**ТАЪРИФ** → Ижтимоий меъерларга бўйсунмаслик

**Турлари:**

- Иқтисодий
- Сиёсий
- Маданий
- Ижтимоий
- Руҳий









**Дин** – сўзи араб тилидан олинган бўлиб, унинг луғавий маъноси “ишонч, эътиқод” дир.



**ТАЪРИФИ** → **Дин** инсонни қуршаб олган атроф – муҳитдан ташқарида бўлган, уни ва коинотдаги барча нарсаларни яратган, айни замонда инсонларга тўғри, ҳақиқий, одил ҳаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий борлиққа ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қараш, таълимотдир.

**ДИННИНГ ВАЗИФАЛАРИ**

1. **КОМПЕНСАТОРЛИК.**
2. **ИНТЕГРАТОРЛИК.**
3. **РЕГУЛЯТОРЛИК.**
4. **КОММУНИКАТОРЛИК.**
5. **ЛЕГИМЛОВЧИЛИК.**

**Фалсафий назарий жиҳати – инсонга яшащдан мақсад, ҳаёт мазмунига муносабатни тарбиялайди.**

# Дин социологияси

Асосланди → МАКС ВЕБЕР " ПРОТЕСТАНТ АХЛОҚИ ВА КАПИТАЛИЗМ РУҲИ" АСАРИДА.



XIX аср ўрталарида ← Пайдо бўлган даври

Объекти → Ижтимоий фикрда дин атамаси билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий жараёнлар

Ижтимоий кичик тизим сифатидаги дин, унинг ижтимоий табиати, жамиятдаги ўрни ва роли ← Предмети



Г.Спенсер

"Дин жамият ҳаётини тартибга солувчи омил"



Таълим социологияси - жамиятнинг таълим тизими тўғрисидаги махсус социологик назария бўлиб, уни нисбатан мустақил ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётидаги ўзига хос функционал ва ривожланиш қонуниятлари, даражасини, унинг бошқа ижтимоий ташкилотлар ва муносабатлар билан ўзаро алоқадорлигини ва шу соҳадаги давлат сиёсатини ўрганади.

ТАЪЛИМ СОЦИОЛОГИЯСИ АСОСЧИЛАРИ

- Эмиль Дюркгейм
- Макс Вебер

## Вазифалари

- Маданиятни тарқатиш функцияси.
- Жамият маданиятини сақлаш функцияси.
- Шахсни социаллаштириш функцияси.
- Жамият аъзоларини дифференциациялаш функцияси.
- Ижтимоий маданият ўзгаришлари функцияси.
- Ижтимоий назорат функцияси

«Ўзбекистон Республикаси Конституцияси» 41-моддасида таъкидланганидек, «ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга»







**1997 ЙИЛ 29 АВГУСТДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ОЛИЙ МАЖЛИС X СЕССИЯСИДА «БАРКАМОЛ АВЛОД – ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ПОЙДЕВОРИ» МАВЗУИДА НУТҚ СЎЗЛАДИ.ШУ СЕССИЯДА «ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА» ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ. У 5 БЎЛИМ 34 МОДДАДАН ИБОРАТ. ШУНИНГДЕК, СЕССИЯДА «КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИ» ҲАМ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ.**

***КАДРЛАР-***

*даст лабки касб т айёргарлигидан ўт ган ва махсус билимлар, меҳнат кўникмалари ёки т анланган соҳа фаолият и бўйича т аж рибага эга бўлган малакали ходимларга айт илади.*

*“Бозорнинг ўзгарувчан шароит ларида меҳнат қилишга лаёқат ли бўлган ўзимизнинг юқори малакали маҳаллий кадрларимизсиз Ўзбекист оннинг муст ақиллигини т асаввур эт иш қийин. И.А.Каримов*



***ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИРИНЧИ ПРЕЗИДЕНТИ И.А.КАРИМОВ “ЎЗБЕКИСТОННИНГ 16 ЙИЛЛИК МУСТАҚИЛ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИ НОМЛИ МАЪРУЗАСИДА:***

**“Билимдон, профессионал жиҳатдан саводли ҳамда гайрат-шижоатли шахсларни, ўз мамлакатимизнинг чинакам ватаннарварларини тарбиялай оладиган, уларни буюк миллий маданиятнинг улкан маънавий мерос билан бойита оладиган, жаҳон фани ва маданияти дурдоналаридан баҳраманд эта оладиган мамлакатгина, миллатгина буюк келажакка эришиши мумкин”, - дея ғурур билан эътироф этган эди.**





**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ ДАСТУРИНИ РЎЁБГА ЧИҚАРИШ БОСҚИЧЛАРИ:**

| Босқич | Мазмуни |
| --- | --- |
| Биринчи босқич: (1997-2001 йиллар) | Мавжуд кадрлар тайёрлаш тизимининг ижобий салоҳиятини сақлаб қолиш асосида ушбу тизимни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш учун ҳуқуқий, кадрлар жиҳатидан, илмий-услубий, молиявий-моддий шарт-шароитлар яратиш; |
| Иккинчи босқич: (2001-2005 йиллар) | Миллий дастурни тўлиқ рўёбга чиқариш. меҳнат бозорининг ривожланиши ва реал ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олган ҳолда унга аниқликлар киритиш; |
| Учинчи босқич: (2005 ва ундан кейинги йиллар | Тўпланган тажрибани таҳлил этиш ва умумлаштириш асоси-да, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларига мувофиқ кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш |





**КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ МИЛЛИЙ МОДЕЛИНИНГ АСОСИЙ ТАРКИБИЙ ҚИСМЛАРИ**



__Шахс__ – кадрлар т айёрлаш т изимининг бош субъект и ва объект и, т аълим соҳасидаги хизмат ларнинг ист еъмолчиси ва уларни амалга оширувчи;

__Давлат ва ж амият__ – т аълим ва кадрлар т айёрлаш т изимининг фаолият ини т арт ибга солиш ва назорат қилишни амалга оширувчи кадрлар т айёрлаш ва уларни қабул қилиб олишнинг кафиллари;



__Узлуксиз т аълим__ – малакали рақобат бардош кадрлар т айёрлашнинг асоси бўлиб, т аълимнинг барча т урларини, давлат т аълим ст андарт - ларини, кадрлар т айёрлаш т изими т узилмаси ва унинг фаолият кўрсат иш муҳит ини ўз ичига олади;

__Ишлаб чиқариш__ – кадрларга бўлган эҳт иёж ни, шунингдек уларнинг т айёргарлик сифат и ва савиясига нисбат ан қўйиладиган т а-лабларни белгиловчи асосий буюрт мачи, кадрлар т айёрлаш т изимини молия ва моддий-т ехника ж иҳат идан т аъ-минлаш ж араёнининг қат нашчиси.



__Ф а н__ – юқори малакали мут ахассислар т айёрловчи ва улардан фойдаланувчи, илғор педагогик ва ахборот т ехнологияларини ишлаб чиқувчи;







«Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2909 Ўбекистон республикаси Президенти қарори 2017 йил 20 апрелда қабул қилинди.

## Таълим турлари



- ❑*мактабгача таълим;*
- ❑*умумий ўрта таълим;*
- ❑*ўрта махсус, касб-хунар таълими;*
- ❑*олий таълим;*
- ❑*олий ўқув юртидан кейинги таълим;*
- ❑*кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш*
- ❑*мактабдан ташқари таълим*



# Маданият

ТАЪРИФИ

Инсон ҳаётининг уни табиатдан сифат жиҳатидан ажратиш имконини берадиган ҳодисалари, хусусиятлари ва элементларидир

## ТУРЛАРИ







## ВАЗИФАЛАРИ

О Таълим тарбия О Интегратив-дезинтегратив О Тартибга солиш

# Оила

Пайдо бўлган даври → 500 минг йил олдин

**ТУРЛАРИ**

- Нуклеар
- Мураккаб



- ✓Патрилокал
- ✓Матрилокал
- ✓Неолокал



- ✓Кўп болали
- ✓Ўрта болали
- ✓Кам болали

## Вазифалари

- репродуктивлик
- тарбиявий
- хўжалик-турмуш
- иқтисодий
- ижтимоий назорат
- маънавий мулоқот
- ижтимоий-мавқе
- бўш вақт
- эмоционал



# Ижтимоий тараққиёт



Француз социологи Эмиль Дюркгеймда социал тараққиёт ҳақидаги ғоя меҳнат тақсимотига боғлаб тушунтирилади. Ижтимоий ривожланиш, унинг фикрича, механик бирдамликка асосланган жамиятда меҳнат тақсимотига асосланган органик бирдамлик – ҳамкорлик жамиятига ўтишдир.

## Ижтимоий ўзгариш шакллари

- ЭВОЛЮЦИЯ
- РЕВОЛЮЦИЯ

# Ўзбек тараққиёт модели






**Социал статика**

Ижтимоий элементларнинг мувозанатини, мавжудлик қонунларини ўрганади. Ижтимоий элементларнинг узвий уйғунлиги, уларнинг ўзаро мувозанатлашган тарзда мавжудлиги жамиятни яхлит бир бутунлик сифатида қарашга имкон беради.

**Социал динамика**

Жамиятдаги ўзгариш, ривожланишнинг изчиллиги, бирин-кетинлигини очиб беради. Жамиятнинг ўзгариш ва ривожланиш ҳолатларини, ижтимоий ўзгаришларнинг ички (эндоген) ва ташқи (экзоген) омилларини ифодалайди

**СОЦИАЛ ДИНАМИКА ТУРЛАРИ**

- Репродуктив динамика
- Маънавий ҳаёт динамикаси
- Мақом социал динамикаси
- Сиёсий динамика
- Ҳудудий социал динамика
- Фан - техника динамикаси

# Социологик тадқиқот дастури

**Дастур бу -** Турли илмий воситаларни асосли тавсифи бўлиб, социолог булар ёрдамида зарур билимларга эга бўлади ва аниқсизликдан аниқликка ўтади

## ДАСТУР БЎЛИМЛАРИ

- Назарий методологик бўлими
- Амалий методологик бўлими
- Хулоса ва тавсиялар



# Назарий методологик бўлим

## ҚИСМЛАРИ

- Муаммо қўйиш
- Тадқиқот мақсади ва вазифалари
- Тадқиқот объекти ва предметини аниқлаш
- Муамmонинг назарий талқини
- Объектининг тизимли таҳлили
- Тушунчалар ва изоҳи
- Илмий гипотез (башорат)

## Амалий методологик бўлим қисмлари

- Тадқиқот режасини танлаш
- Тадқиқот методини танлаш
- Танланган методларни тузиш ва асослаш
- Олинган билимларни таҳлил қилиш методларини аниқлаш
- Олинган билимларни илмий башорат бўйича таҳлил усулларни аниқлаш
- Объект тадқиқотини ўтказиш

# Социологик тадқиқот методлари






**КУЗАТИШ МЕТОДИГА СОЦИОЛОГЛАР КАМРОҚ МУРОЖААТ ҚИЛИШАДИ. (АНТРОПОЛОГИЯДА КЎПРОҚ ИШЛАТИЛАДИ)**






## СЎРОВ СОЦИОЛОГИЯДА ЭНГ КЎП ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН МЕТОД ҲИСОБЛАНАДИ









**Анкета ўртача 20-30 та саволдан иборат бўлади. Саволлар ўз навбатида 2 га бўлинади. Бу очиқ ва ёпиқдир.**




## Интервьюда саволларни махсус мутахассислар яъни интервьюерлар ўқийди.



Эксперимент методи социология фанида анча чегараланган, бироқ психология, химия, физика фанларида кенг қўлланилади.







Ҳужжатлар билан ишлаш методи социологияда кенг қўлланилади. Социологияда ҳужжатлар деганда матнлардаги босма ва қўлёзма шаклида ёзилган маълумотларни, фото ва кино плёнкаларга ёзилган маълумотларни тушунамиз.



| | |
|---|---|
| **АВЛОДЛАР ИЧИДАГИ МОБИЛЛИК** | бир индивиднинг ота-онасининг тутган ўрни билан таққосламаган ҳолда, бутун умри давомида ижтимоий ҳолатини ўзгартиришни билдиради. |
| **АВЛОДЛАРАРО МОБИЛЛИК** | фарзанднинг ўз ота-онасининг ижтимоий холатидан ўзиб кетиши ёки тушиб кетишини билдиради. |
| **АДАПТАЦИЯ** | инсоннинг янги фаолият шароитларига, маълум бир ижтимоий гурухлардаги муносабатлар тизимига мослашуви. |
| **АНКЕТАЛАШТИРИШ** | бу ёзма шаклдаги сўров бўлиб, техникасига кўра, тарқатиладиган (анкета тадқиқотчи томонидан тарқатилади ва йиғиб олинади), матбуот орқали, телефон ёки телескоп орқали, яъни техник воситалар ёрдамида (телевизор, телефонга оид қўшимча сифатида) амалга ошириладиган сўров тури. |
| **АНЪАНАВИЙ ЖАМИЯТ** | ерга бўлган мулкчилик асосий ўринни эгаллайдиган жамият. |

| | |
|---|---|
| ***АНЪАНАЛАР*** | жамият ҳаёти турли соҳаларининг моддий ва маънавий фаолият шаклларининг, кишилар ўртасидаги алоқалар ва муносабатларнинг авлоддан-авлодга ўтиши, аждодлар ҳаёти белгилари ва хусусиятларининг такрорланиш тарзи, дунёда анъаналар ва урф-одатларга эга бўлмаган миллат ёки элат йўқ. |
| ***АХЛОҚ*** | ижтимоий онг сифатида муайян халқ, элат ёки уюшманинг асрлар давомида шаклланган хулқ-атвор, ҳатти-ҳаракатлар, ҳис-туйғу ва кишилар ўртасидаги ўзаро реал муносабатлар тизимини ифода етади. |
| ***БЕЛГИЛАНГАН МАВҚЕ*** | инсоннинг жамият ёки ижтимоий гурух томонидан тан олинган мавқеи. |
| ***ВЕРТИКАЛ МОБИЛЛИК*** | бир ижтимоий қатламдан бошқасига ўтишни ифодалайди. |



| | |
|---|---|
| ***ГИПОТЕЗА*** | ижтимоий объектининг тузилиши ҳақидаги назарий асосланган илмий тахмин бўлиб, мазкур объектни ташкил этувчи турли хил элементлар ва алоқалар характери, уларнинг фолият юритиши ва тараққиётни ўзида ифодалайди. |
| ***ГОРИЗОНТАЛ МОБИЛЛИК*** | бир ижтимоий гурухдан бошқасига ўтишни билдиради. |
| ***ДАСТУР*** | турли илмий воситаларни асосли тавсифи бўлиб, социолог булар ёрдамида зарур билимларга эга бўлади ва аниқсизликдан аниқликка ўтади. |
| ***ДЕВИАЦИЯ*** | хулқ-атвордан оғиш деган маънони билдиради. |
| ***ДИН*** | луғавий маъноси “ишонч, эътиқод”. |

| | |
|---|---|
| *ЖАМИЯТ* | табиатнинг бир қисми, борлиқнинг алохида шаклини ифодалайдиган фалсафий тушунча, одамлар уюшмасининг махсус шакли, кишилар ўртасида амал қиладиган кўплаб муносабатлар мажмуи. |
| ***ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ*** | ижтимоий онгнинг, манфаатлар, кайфиятлар, синфлар ва жамиятдаги социал гуруҳларнинг хис-туйғуларини реал ҳолатини ифодалайди |
| ***ИЖТИМОИЙ БОШҚАРУВ СОЦИОЛОГИЯСИ*** | ижтимоий муносабатларнинг унумли тарзда кечишини ҳар хил мезонлар ёрдамида ўрганадиган фан. |
| ***ИЖТИМОИЙ ГУРУ*** | одамларнинг ижтимоий мухим мезонлар асосида ташкил топган тузилмаси. |
| ***ИЖТИМОИЙ ИНСТИТУТ*** | жамиятнинг асосий эхтиёжларини қондиришга қаратилган ташкилот. |



| | |
|---|---|
| ***ИЖТИМОИЙ МЕЪЁР*** | ижтимоий мақбул хулқ-атвор талаблари, шартлари, истаклари мажмуи. |
| ***ИЖТИМОИЙ МОБИЛЛИК*** | кишиларнинг ижтимоий кўчиши, ўз мавқеларининг ўзгариши мажмуи. |
| ***ИЖТИМОИЙ РОЛ*** | ижтимоий мавқенинг амал қилинишини билдиради. |
| ***ИЖТИМОИЙ САНКЦИЯЛАР*** | ижтимоий меъёрларни қўриқловчи асосий восита бўлиб, натижада меъёрлар бир томондан қадриятлар, иккинчи томондан еса санкциялар ёрдамида муҳофаза этилади. |
| ***ИЖТИМОИЙ МАВҚЕ*** | шахсларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ифодалайди. |

| | |
|---|---|
| ***ИЖТИМОИЙ СТРАТИФИКАЦИЯ*** | **одамларнинг турли қатламларга бўлиниб келиши сабабларини тушунтиради.** |
| ***ИЖТИМОИЙ ТАШКИЛОТЛАР*** | кишилар ўртасидаги муносабатлар ривожи махсули бўлиб, муайян дастур ёки мақсадни бажаришга қаратилган, белгиланган тартиб ва қоидалар асосида фаолият кўрсатувчи кишилар бирлиги. |
| ***ИЖТИМОИЙ ТИЗИМ*** | бир-бири билан ўзаро алоқада бўлган ва муайян бутунликни ташкил этувчи алохида тарзда тартиблашган ижтимоий институт, ижтимоий ташкилот, ижтимоий бирликлар мажмуи. |
| ***ИНДИВИДУАЛ МЕҲНАТ*** | меҳнатнинг технологик тақсимланиши, ўз объекти мажбуриятлари ва функцияларидан алоҳида бўлган меҳнат ҳудудини билдиради. |



| | |
|---|---|
| ***ИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ*** | мулкнинг барча кўринишларига бўлган муносабат шаклланадиган жамият. |
| ***ИҚТИСОД*** | мулоқот, гаплашиш, келишиш, савдолашиш, икки томонга тўғри келадиган умумий нархни, рақамни, хулосани топиш демакдир. |
| ***КАТТА ИЖТИМОИЙ ГУРУҲЛАР*** | умуман жамият миқёсида мавжуд синфлар, ижтимоий қатламлар, касбий гурухлар, ижтимоий этник бўлган гурухлар, ижтимоий-этник бирликлар (қабила, халқ, миллат), ёш гурухлари (ёшлар,нафақахўрлар) ва хоказо. |
| ***КИЧИК ИЖТИМОИЙ ГУРУҲЛАР*** | оила, бошланғич ишлаб чиқариш ячейкалари (бригада), қўни қўшнилар, яъни махалла фуқаролари, дўстлар уюшмалари, мактаб синфи ва хоказо. |
| ***КУЗАТИШ*** | билишнинг энг фаол шаклларидан бири сифатида ташқи олам объектлари ҳақидаги дастлабки тасаввурлар мажмуаси. |

| | |
|---|---|
| ***МАДАНИЯТ*** | “Маданий” “шаҳарлик” деган маъноларни билдиради. Кейинчалик “Маърифатли бўлиш”, “Тарбияли”, “Билимли бўлиш” маъноларида ишлатилган, узоқ тарихий тараққиёт жараёнида инсоният томонидан яратилган моддий ва маънавий бойликлар, асори-атиқалар йиғиндиси. |
| ***МАДАНИЯТ СОЦИОЛОГИЯСИ*** | одамларнинг интеллектуал, ахлоқий, эстетик фазилатлари, амалий саъй-ҳаракатларига интилиш, қизиқиш ҳамда эҳтиёжлари муҳим аҳамиятга эга. |
| ***МАҲОБХОРАТ, РАМАЯНА*** | Қадимги Ҳиндистондаги ҳалқ оғзаки ижоди. |
| ***МАЪНАВИЙ МЕРОС*** | Қадим замонлардан бери аждодларимиздан бизгача етиб келган маънавий бойликлар-сиёсий, фалсафий, ҳуқуқий ва диний қарашлар, аҳлоқ-одоб меъёрлари, илм-фан ютуқлари, тарихий, бадиий ва санъат асарлари мажмуидир. |



| | |
|---|---|
| ***МАЪНАВИЯТ*** | инсонни жамики бошқа мавжудотлардан ажратувчи ижтимоий ходиса. |
| ***МАЪРИФАТ*** | билиш, таниш, яъни билим демакдир. |
| ***МЕНТАЛИТЕТ*** | миллатнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий дунёқараши. |
| ***МЕХНАТ ЖАМОАСИ*** | инсонларнинг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий бирлашмаси, ижтимоий аҳамиятга ва шахсий қийматга эга бўлган мақсадларни амалга ошириш учун ташкилланган жамоа. |
| ***МЕХНАТ СОЦИОЛОГИЯСИ*** | мехнат сохаси буйича барча ижтимоий маълумотларни тўплашга, ишлаб чиқариш воситаларидан тўла фойдаланишга, мехнатни бошкаришга асосланган фан. |

| | |
|---|---|
| ***МЕҲНАТНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ*** | жонли ва ашёвий бирикмаларнинг тартиби ва усулларининг шакллари. |
| ***МИЛЛАТ*** | «ўзак», «туб моҳият», «негиз» деган маънони билдиради. |
| ***МИЛЛИЙ МАФКУРА*** | ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизни кўп асрлар давомида шаклланган эзгу орзуларини, жамиятимиз олдига қўйилган олий мақсад ва олий ғоядир. |
| ***МИЛЛИЙ ТАРБИЯ*** | у ёки бу миллатни, элатни ташкил этувчи кишиларни миллий маданиятини мерос, қадриятларни, урф-одатларни, анъаналарни ўзлаштиришдаги фаолиятни ривожлантиришдир, у миллий онг ва миллий ўзликни англашнинг субъектидир. |
| ***МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР*** | миллий мафкуранинг тарбиявий элементи |



| | |
|---|---|
| ***МИЛЛИЙ ҒОЯ*** | миллатнинг ўтмиши, бугуни, истиқболи, манфаат ва мақсадини ифодаловчи ижтимоий ғоя. |
| ***НИЗО*** | вужудга келадиган зиддиятларни ҳал этишнинг самара бермайдиган йўли. |
| ***НИКОҲ*** | жамият томонидан тасдиқланган (санкцияланган), жинсий муносабатларнинг мақсадли, мустаҳкам ижтимоий ва шахсий шакли. |
| ***НОМИНАЛ ГУРУҲ*** | ахолининг статистик ҳисоби учун зарур гурухлар. |
| ***НОРАСМИЙ САЛБИЙ САНКЦИЯЛАР-*** | расмий идоралар томонидан кўзда тутилмаган жазо турлари: танбех, устидан кулиш, қалтис ҳазил, лақаб қўйиш, менсимаслик, қўл бермаслик ва қўллаб-қувватламаслик, миш-миш тарқатиш, бўхтон, ёмон фикр билдириш, шикоят қилиш, фелъетон ва фош етувчи мақола ёзиш ва хоказо. |

| | |
|---|---|
| ***НОРАСМИЙ ПОЗИТИВ САНКЦИЯ*** | дўстона мақтов, ширин сўз, қарсак, шухрат, яхши фикр билдириш, жилмайиш, лидерлик ёхуд экспертлик хислатларини тан олиш ва хоказо. |
| ***НОРАСМИЙ ТАШКИЛОТ*** | хусусиятлари, қизиқишлари, шахсий сифатлари, рухий холатлари бир-бирига тўғри келган кишилар ўртасидаги алоқалар. |
| ***ОИЛА СОЦИОЛОГИЯСИ*** | умумий социологиянинг асосий йўналишларидан бўлиб, у оилани никоҳ асосида ташкил топган, жамият тараққиётида муҳим ижтимоий вазифаларни бажарувчи ижтиоий институт сифатида ўрганади. |
| ***ПАНЕЛ СЎРОВЛАР*** | бу кишиларнинг доимий доирасига мўлжалланган сўров бўлиб, у орқали муайян ижтимоий ҳолат мазмунининг маълум вақт оралиғида нечоғлик ўзгарганлигини илгари ўтказилган тадқиқот дастури ва услубияти билан бевосита таққослаш асосида қайтадан текшириб кўриш. |



| | |
|---|---|
| ***ОГЮСТ КОНТ*** | француз файласуфи, социология фани асосчиси. |
| ***ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТ*** | интеллектуал мулк, инсоннинг ақл-заковати, билими асосий ўринга чиқиб қоладиган жамият. |
| ***ПРОЦЕДУРА*** | тадқиқот амалиётида қўлланиладиган, уни ўтказиш учун муҳим бўлган турли қоидалар, ҳаракатлар, инструментларни қўллаш ва уларни тартибига боғлиқ бўлган масалалар йиғиндиси. |
| ***РАСМИЙ САЛБИЙ САНКЦИЯЛАР*** | ҳуқуқий ҳужжатлар, маъмурий кўрсатмалар, фармойишлар, ҳукумат фармон ва қарорларида кўрсатилган жазо чоралари: фуқаролик ҳуқуқларидан махрум этиш, қамоқда сақлаш, ҳибсга олиш, ишдан бўшатиш, жарима, мукофотдан махрум этиш, мол-мулкни мусодара қилиш, мансабидан пасайтириш, тахтдан олиб ташлаш, унвонлардан махрум этиш, ўлим жазоси ва хоказо. |

| | |
|---|---|
| ***РАСМИЙ ТАШКИЛОТ*** | бу буйруқ ва қарор орқали маълум лавозим шаклларига эга, ташкилланган, ҳаракат жараёнида юзага келадиган тизимлар алоқаси |
| ***РЕАЛ ГУРУҲ*** | бир-биридан ажратиб турадиган аниқ хусусиятлари мавжуд гурухлар. |
| ***РЕНЕССАНС*** | уйғониш даври. |
| ***СЕГРЕГАЦИЯ*** | ўқувчилар орасида ирқий, диний, этник мансублик асосида, у ёки бу жинс атрофида, ёхуд, манфаатлар муштараклиги ва қўшничилик асосида алоҳида бўлинишни англатади. |
| ***СИЁСАТ*** | давлат ёки жамоат ишларини англатади. |
| ***СИЁСИЙ СОЦИОЛОГИЯ*** | социологик назариянинг бири бўлиб, ҳокимият учун кураш ва ҳокимиятни амалга ошириш каби ҳодисаларни ўрганади. |



| | |
|---|---|
| ***СОЦИАЛ*** | кенг маънода табиатни жамиятдан фарқлаш учун, тор маънода одамлар ўртасидаги социал (турли табақалар, гурухлар, бирликлар) муносабатларини билдиради. |
| ***СОЦИАЛ АДАПТАЦИЯ*** | индивиднинг социал шароитларга, функцияларга, социал нормаларга, социал гурухларга, ташкилот ва институтларга, яъни мухитга мослашиши босқичи. |
| ***СОЦИАЛ ИНТЕРИОРИЗАЦИЯ*** | социал норма ва қадриятларнинг индивиднинг ички дунёсига киришиши жараёнидир. |
| ***СОЦИЕТАЛ ТИЗИМ*** | жамиятнинг ўзига хос қисми бўлган ижтимоий тизим. |
| ***СОЦИОЛОГИЯ*** | лотинча “societas”- жамият ва юнонча “logos” таълимот; французча “sociologis” – жамиятни ва ижтимоий муносабатларни илмий ўрганиш деган маъноларни билдиради. |

| | |
|---|---|
| ***СТАТИСТИКА*** | лотинча соз бўлиб, "статус"- ҳолат атамасидан келиб чиққан. |
| ***СТРАТИФИКАЦИЯ*** | социологиянинг асосий тушунчаларидан бири сифатида жамиятнинг ижтимоий таркиби, ижтимоий гурухлари ва уларнинг табақаланиш белгилари тизими. |
| ***СУИЦИД*** | бу одамнинг ўзини ўзи ўлдиришга ҳаракат қилишдир |
| ***СУХБАТЛАШИШ*** | бу сухбат ўтказувчиларни (интервъюер) бир қанчасини талаб қилувчи, оғзаки сўров тури. |
| ***ТАЪЛИМ СОЦИОЛОГИЯСИ*** | жамиятнинг таълим тизими тўғрисидаги махсус социологик назария бўлиб, уни нисбатан мустақил ижтимоий институт сифатида жамият ҳаётидаги ўзига хос функционал ва ривожланиш қонуниятлари, даражасини, унинг бошқа ижтимоий ташкилотлар ва муносабатлар билан ўзаро алоқадорлигини ва шу соҳадаги давлат сиёсатини ўрганади. |
| ***ТАШКИЛОТ*** | французча “organisation” сўзидан олинган бўлиб, “ташкил қиламан” деган маънони билдиради. |
| ***ТЕРРОРИЗМ*** | ўз фикрини зўравонлик йўли билан бошқаларга ўтказиш бўлиб, бу йўлда суиқасд, қўпорувчилик каби усуллардан фойдаланилади. |
| ***ТЕСТ ЎТКАЗИШ СЎРОВИ*** | бу махсус қайта ишланган воситалар чизма, расмлар, таклифлар, саволлар ёрдамида шахсий сифат ва қобилиятларни намоён бўлишини аниқлайди. |
| ***УСУЛ*** | кенг маънода билимлар тизимини юзага келтириш ва асослаш воситаси. |
| ***ФОРМАЛ ПОЗИТИВ САНКЦИЯ*** | расмий ташкилотлар (ҳукумат, ташкилот, ижодий уюшма) томонидан шахсни халқ олдида ошкора қўллаб-қувватлаш: ҳукумат мукофотлари (орден, медал, фахрий унвонлар), давлат мукофотлари ва стипендиялар, илмий унвон ва даражалар, ҳайкал ўрнатиш ва хоказо. |

| | |
|---|---|
| ***ФОҲИШАБОЗЛИК*** | лотинча “prostitution” сўзидан олинган бўлиб, ор-номусни йўқотиш, хўрлаш, топташ деган маъноларни билдиради. |
| ***ФУНДАМЕНТАЛ СОЦИОЛОГИЯ*** | фақат назарий асосларини ишлаб чиқиш билан кенг маънода ишлаб чиқади. |
| ***ШАХС*** | ижтимоий муносабатларнинг дастлабки асоси, уларни келтириб чиқарувчи манбаи. |
| ***ШАХСНИНГ ИЖТИМОИЙЛАШУВИ*** | атроф-мухит ёки махсус тайёргарликдан ўтган тарбия таъсирида амалга ошириладиган мураккаб ва кўпқиррали жараён. |
| ***ЭКСПЕРИМЕНТ*** | лотинча сўздан олинган бўлиб, тажриба ўтказиш, намуна олиш маъноларини ифодалайди. |
| ***ЭКСПЕРТ СЎРОВ*** | бу олинган, мавжуд социологик маълумотларни қайта текшириш, уларни ҳақиқатга қанчалик мос эканлигини аниқлаш усули. |



| | |
|---|---|
| ***ЭМПИРИК*** | юнонча сўздан олинган бўлиб, тажриба маъносини англатади |
| ***ЭМПИРИК СОЦИОЛОГИК ТАДҚИҚОТ*** | ягона дастур ва услубиёт билан амалий асосда ижтимоий ҳаёт ҳодиса ва жараёнлари тўғрисида олинган эмпирик маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, зарур амалий таклифлар, тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат. |
| ***ЭРИШИЛАДИГАН МАВҚЕ*** | инсон томонидан эркин танлов асосида, шахсий уринишлари натижасида эришиладиган мавқеи. |
| ***ЯЛПИ СЎРОВЛАР*** | демографик жараёнларни, жамоатчилик фикрини, аҳолини руйхатга олишни ўрганишда қўлланилади. |
| ***ЎРТА ГУРУҲЛАР*** | маълум бир корхона ишчи ходимлари ёки ҳудудий бирликлар бир қишлоқ, шахар, туман, шаҳарча ахолиси. |
| ***ҚАЙТА ИЖТИМОИЙЛАШУВ*** | аввал қабул қилинган қадриятлар ва хулқ атвор моделларининг тўла емирилиши ва олдингилардан тубдан фарқ қилувчи қадриятларни ўзлаштириши. |

# Фойдаланилган адабиётлар


1. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги нашриёт, 1993.

2. Вебер М. Избранние произведения. – М.: Прогресс, 1990.

3. Ганиева М.Х. этносоциология. Учебное пособие для студ. Висших учебних заведений. – Ташкент: Университет, 2006.

4. Ганиева М.Х. Введение в социальную работу. –Ташкент., 2011. 98 с.

5. Гараджа. В.И. Социология религии. – М., 2005.

6. Гиддинс Э. Социология. – Тошкент, 2002

7. Кравченко А.И. Социология. – М., 2006.

8. Латипова Н.М. Политическая социология. Методическое пособие. –Ташкент., 2010.

9. Современная западная социология. Словарь. – М.: Прогресс, 1990.

10. Социология религии. В.И.Гараджа. – М., 2005.

11. Социология //Учебное пособие. Под редак. д.ф.н. Мухамедовой З.М.,– Ташкент: Санат, 2010

12. Қодиров А.Қ. Социология. –Тошкент, 2006.

13. Саитходжаев Ҳ.Б. Социология. Маърузалар курси. –Тошкент: Академия, 2008.

14. Ҳолбеков А.Ж., Идиров У.Ю. Социология: изоҳли луғат- маълумотнома. –Тошкент: Ибн-Сино номидаги нашриёт, 1999.

15. Холбеков. А.Ж. Бошқарув социологияси (ўқув қўлланма). –Тошкент: Академия, 2007.





16. Убайдуллаева Р.А., Ота-Мирзаев О.Б. ва бошқ. Социологик тадқиқотлар амалиёти (Ўқув-услубий қўлланма). –Тошкент.: «Ижтимоий фикр», 2001.

17. Фарфиев Б.А., Нуруллаева У.Н. Социология тарихи. (Услубий қўлланма). Тошкент: Университет, 2009.

18. Бекмурадов М.Б. Роль общественного мнения в социально-культурном развитии общества: Дис….док.социол.наук. – Ташкент, 1997.

19. Фарфиев Б.А. Ўзбекистонда жамиятни демократилаштириш жараёнида тафаккур тарзини такомиллаштиришнинг ижтимоий маъданий хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент:, 1999.

20. Калонов К.К. Ўзбекистон ўзини ўзи бошқарув тизими динамикаси таҳлил қилишда авторитетнинг тутган ўрни: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2000.

21. Юнусов А.Б. Ўсмир ёшларда ижтимоий девиантлик ҳолатларининг социологик хусусиятлари: Дис....социол. фан.ном. – Тошкент: ЎзМУ, 2004.

22. Норбеков А.Ш. Ўзбекистонда ижтимоий кафолат тизимини яратиш муаммолари: сиёсий-социологик таҳлил. Дис....социол. фан.ном. – Тошкент, 2004.

23. Латипова Н.М. Роль молодих специалистов в трансформации социальной структури узбекистанского общества: Дис….канд.социол.наук. – Ташкент, 2009.

24. Ганиева М.Х. Общественное мнение как фактор развития межнациональних отношений: Дис….док.социол.наук. – Ташкент. – Ташкент. 2009